



ОИЛА ИНСТИТУТИ МИКРОЖАМИЯТ СИФАТИДА

Наркулов Дусмурат Ташпулатович

Тошкент тиббиёт академияси профессори

Зоҳиров Рамиз Турдимуродович

фалсафа фанлари доктори (DSc)

<https://doi.org/10.5281/zenodo.15211286>

ARTICLE INFO

Qabul qilindi: 01-Aprel 2025 yil

Ma'qullandi: 07-Aprel 2025 yil

Nashr qilindi: 14-Aprel 2025 yil

KEYWORDS

оила, жамият, оила субъектлари, оила аъзолари, оила демографияси, оилавий ҳуқуқ, оила иқтисодиёти, оила мавқеи, оила динамикаси, авлодлараро муносабатлар.

ABSTRACT

Мазкур мақолада оила институтининг ижтимоий хусусиятлари ўрганилади, унинг функциялари классификация қилинади. Оила институти микрожамиятдир. Айнан ушбу жиҳати унинг замонавий-ижтимоий функцияларини очиб беришга ундайди. Ижтимоий хусусиятлар ва ижтимоий функцияларни этимологик нуқтаи назардан фарқлаш мумкин, аммо бундай ёндашув ижтимоий-фалсафий эмас, балки тилшунослик, морфологик ёндашувни тақозо этарди. Шунинг учун мақолада ижтимоий хусусиятлар ва функциялар диалектик уйғунликдаги воқеликлар сифатида қаралади.

Оила институтининг жамият ҳаётидаги ўрни ва аҳамияти, микрожамият экани унинг ижтимоий хусусиятлари ва умумий функциялари орқали белгиланади, аниқланади. Ижтимоий хусусиятлар ва умумий функциялар эса, тизимли, сциентик ёндашувни тақозо этади. Аслида объект (предмет)нинг хусусиятлари ва функциялари ўртасида узвий алоқа мавжуд, гоҳо уларни бир биридан ажратиш, фарқлаш қийин. Этимологик нуқтаи назардан уларни фарқлашга ҳаракат қилиш мумкин, аммо бу ижтимоий-фалсафий эмас, балки тилшуносликка, этимологияга оид грамматик-морфологик таҳлил бўлади. Шунинг учун биз бу мавзуда оила институтининг ижтимоий хусусиятлари ва умумий функцияларини диалектик уйғунликдаги воқеликлар сифатида қараймиз.

Жамият, ўзининг тузилиши, инфратузилмалари ва функционал хусусиятларига кўра, ранг-баранг институтларни, гоҳо зиддиятли муносабатларни ўз ичига олади. Бундан унинг микро нусхаси бўлган оила институти ҳам мустасно эмас.

Илмий тадқиқотларда оиланинг микрожамият экани таъкидланади, унда ранг-баранг муносабатлар кечиши уқтирилади. Бироқ уларда бу ранг-баранг муносабатлар нималардан иборатлиги очиб берилавермайди. Натижада оиланинг микрожамият экани сийқа ва асоссиз таъкид, шунчаки сўз ўйинига айланади. Ҳар қандай жиддий, илмий тадқиқот объектининг мусбат ва манфий томонларини, у дуч келаётган муаммоларни, уларни ечиш технологиясини, усул ва механизмларини кўрсатиб бериши даркор. Тадқиқот объектини белгилаш ҳали мавжуд муаммонинг ечими ҳам топилганини аниқламайди, объектнинг «реал ҳолатдан идеал ҳолатга етиш йўллари кўрсатиб бериш зарур» [1. - 4-5 б.]. Олимларнинг фикрича, «илм-фанда тарихан икки ёндашув шакллланган: алогенетик ва идеогенетик. Алогенетик ёндашувда муаммо, мавзу инсоннинг хатти-ҳаракатлари, хулқ атвори орқали талқин қилинади. Ҳар бир

муаммо, мавзу инсоннинг хатти-ҳаракатларига, хулқ атворига гуманистик моҳият бахш этишга қаратилади. Бу аслида гуманистик антропологик ёндашувдир... Идеогенетик ёндашув деганда, инсонга таъсир этувчи, унинг дунёқараши ва маънавий оламини шакллантирувчи ғоявий- руҳий омиллар назарда тутилади. Илм-фан, тадқиқоти деогенетик ёндашув маҳсулидир. Уларда одатда маълум бир ғоя, концепция илгари сурилади. Ушбу ғоя, концепция ўқувчиларга, аудиторияга таъсир қилади, уларда илмий дунёқарашни, объект (предметнинг реал ва идеал ҳолати) ҳақидаги тасаввурларни шакллантиради» [2. - 48 б.]. Демак, ҳар қандай илмий тадқиқот объектининг реал ҳолатини ўрганиб, уни идеал ҳолатга етказиш муаммоларини ҳал этиш керак. Агар биз оилани микрожамият сифатида ўрганмоқчи бўлсак, унинг нафақат интравертив, шунингдек, экстравертив алоқаларини ҳам ўрганишимиз зарур бўлади. Акс ҳолда биз ҳам, юқорида айтилганидек, оиланинг микрожамият эканини қуруқ қайд этишга мажбур бўламиз. Оиланинг идеал ҳолати эса унинг жамият билан ташқи, экстравертив алоқаларида, ушбу алоқаларнинг оила аъзоларига ижобий, интенсив таъсирида, уларда ижтимоий тараққиёт талабларига мувофиқ келадиган креатив фазилатларни шакллантирганидадир.

Хўш, оиланинг микрожамият экани нималарда намоён бўлади? Унинг ташқи, экстравертив алоқалари нималар билан ўлчанади? Бу алоқаларда авлодлараро муносабатлар қандай ўрин тутати? Анъанавийлик ва замонавийликнинг таъсирлари нималарда акс этади?

Мавжуд илмий-назарий концепцияларни ва адабиётларни ўрганиш оиланинг микрожамият эканига оид белгиларини қуйидагилар орқали тадқиқ этиш имконини беради:

- оила субъектлари;
- оила аъзолари;
- оила демографияси;
- оилавий ҳуқуқ;
- оила иқтисодиёти;
- оила мавқеи;
- оила динамикаси;
- авлодлараро муносабатлар.

Мазкур йўналишларни жамиятда ҳукмрон ижтимоий муносабатлар, масалан, ижтимоий-демографик, сиёсий, иқтисодий ва маънавий-маданий йўналишларда ҳам тадқиқ этиш мумкин. Аммо бу йўналишлар адабиётларда етарлича қўлланилган ва очиб берилган. Бизнинг фикримизча, уларни такрорлаш мавзуга тавтологик ёндашишни келтириб чиқаради ва муаммони етарли очиб беришга ҳалақит беради.

Оила субъектлари деганда биз расмий никоҳ асосида турмуш қурган эр-хотинни назарда тутамиз. Эр-хотин оиланинг ядроси ҳисобланади. Уларнинг мавжудлиги оила институтига яхлитлик, ташкил этилганлик ва жинслар ўртасидаги алоқаларга йўналтирилганлик, мақсад беради. Агар субъектлардан бири бўлмаса, оила институти шаклланмаган ёки юзага келмаган, барбод бўлган бўлади. Субъектларнинг аҳиллиги, бирлиги ва оилавий ҳаётга оид ташвишлар, вазифалар ва уларнинг бажарилиши учун масъуллиги оилани институционал ташкил этилганини англатади. Расмий институционал ташкил этилмаган оилада субъектлар масъулликни ҳис қилмайди, ҳатто улар оила учун зарур моддий неъматларни, озиқ овқатни ҳозирлаганларида ҳам бир бирларига маънавий руҳий боғланганликни ҳис қилмайдилар, чеккадан ўзига ҳамроҳ, жазман, интим алоқалар учун объектлар излашни ошкора намоиш этаверадилар. Маънавий-руҳий, ижтимоий-ҳуқуқий боғлиқлик, бирлик жинсларни оила субъектларига айлантиради.

Фалсафада «субъект» деганда онгли хатти-ҳаракатларга қодир шахс, кишилар гуруҳи ёки жамият назарда тутилади. «Субъект, аввало индивиддир, деб ёзишади -

«Билиш фалсафаси» китобининг муаллифлари. Айнан у онг, сезги, идрок, туйғу, образлар орқали акс эттириш, энг умумий абстракциялар соҳиби, амалиёт жараёнида реал, ўзгарувчан моддий куч бўлиб ҳаракатланади. Бироқ, субъект фақат индивидуал эмас, балки у коллектив, социал гуруҳ, синф, умуман жамият ҳамдир. Жамият универсал субъект ҳисобланади, чунки унда бошқа барча даражадаги субъектлар, авлодларнинг ҳаёти жамланган, жамиятдан ташқарида ҳеч қандай билиш йўқ ва бўлиши ҳам мумкин эмас. Айни пайтда, жамият субъект сифатида ўзининг билиш имкониятларини индивидуал субъектларнинг билиш фаолияти орқали амалга оширади» [3. - 104-105 б.]. Оиланинг микрожамиятлиги уни «универсал субъект» нинг таркибий қисмига, унга хизмат қиладиган, ундаги нормаларни, авлодлараро алоқаларни, анъаналарни қабул қиладиган институтга айлантиради. Ўз навбатида «универсал субъект»нинг мавжудлиги, анъаналарининг барқарорлиги ҳам оила институтининг мавжудлигига, барқарорлигига боғлиқдир. Одатда жамиятдаги тасаввурлар ва анъаналар, ютуқлар ва зиддиятлар микро даражада оилада ҳам акс этади, деб тушунишади. Бунда маълум бир ҳақиқат бор. Оила субъектларининг нафақат ўзаро, шунингдек, «универсал субъект»га, унинг муаммолари ва соҳаларига муносабатлари ҳам уларнинг ижтимоий фикрига ва борлигига таъсир этмай қолмайди. Агар жамият яратишни, барпо этишни, интеллектуал бой авлодни шакллантиришни ўзига идеал, стратегик мақсад қилиб қўйган бўлса, оила ундан ташқарида қололмайди. Оила субъектлари ўзининг кучи ва ақлу идрокини ушбу мақсадни рўёбга чиқаришга қаратибгина «универсал субъект» билан ижодий ҳамкорлик қилиши, унинг қўллаб-қувватлашига таяниши мумкин. Ҳа, баъзи оилаларда, баъзи субъектлар жамиятдаги анъаналарга, нормаларга қарши чиқиши ёки уларни нигилистча рад этиши мумкин. Бироқ улар ҳеч қачон кўпчиликни, халқ оммасини ташкил этмайди.

Шуни эсда тутиш керакки, оила субъектлари ёки оилавий муносабатлар субъектлари оилавий ҳаётни, ундаги муҳитни, маънавий-ахлоқий нормаларни яратувчи шахслардир. Ушбу яратувчанлиги туфайли улар субъектлардир.

Оила аъзолари оила субъектларидан фарқ қилади. Оила аъзолари оила субъектларини ўз ичига олса-да, улар эр-хотин муносабатларига аралашмасликлари мумкин. Демак, оиладаги авлодлараро муносабатлар фақат оила аъзолари даврасида, мавжудлигида юзага келади.

Оила аъзоларини тасаввур қилиш учун оилани классификациялашга тўғри келади. Мавжуд эмпирик материаллар ва илмий адабиётларни ўрганиш замонавий оилаларни қуйидагича классификациялаш имконини беради:

- эр-хотин (якка оила);
- эр-хотин ва уларнинг фарзандлари (тўлиқ оила);
- эр-хотин ва уларнинг ота-оналари (жуфт оила);
- эр-хотин ва уларнинг ота-оналари ҳамда фарзандлари (ўрта оила);
- эр-хотин ва уларнинг ота-оналари ҳамда бобо-момолари (навбатдаги ўрта оила);
- эр-хотин ва уларнинг ота-оналари, бобо-момолари ҳамда фарзандлари (катта оила).

Якка оила фақат эр-хотиндан иборат бўлади. Тенг ҳуқуқли икки жинс, оилавий муносабатларнинг субъектлари сифатида, бир-бири олдида масъулдир. Биргаликда ҳўжалик юритиш, топган нарсаларидан биргаликда фойдаланиш, бир-бирига мерос қолдириш кабилар уларни оила бўлиб яшашини таъминлайди. Бундай якка оилалар асосан катта шаҳарларда, урбанизациялашган жойларда учрайди. Улар авлодлараро муносабатларни шакллантиришда қатнашмайдилар.

Эр-хотин ва фарзандлардан ташкил топган оилаларнинг тўлиқлиги камида икки фарзанд бўлишини тақозо этади. Яъни эр-хотин ўзларининг ҳақиқий меросхўрларига, ижтимоий демографик нуқтаи назардан ўзларининг ўрнини тўлдирадиган ва ҳаётини давом эттирадиган ворисларига эга бўлишлари керак. Агар оилада бир фарзанд бўлса,

уни ярим тўлиқ оила деб аташ мумкин. Тўла тўлиқ оила учун камида икки фарзанд зарур. Авлодлараро муносабатлар мана шундай, турли, икки ёки уч авлод оилалардагина учрайди.

Жуфт оилалардаги муносабатларнинг субъектлари эр-хотин ва уларнинг ота-оналаридир. Бундай оилаларда икки, жуфт эр-хотин оила муносабатларига мустақил киришади. Улар ижтимоий, ҳуқуқий ва ташкилий нуқтаи назардан мустақил бўлсаларда, ҳўжалик юритиш, маънавий-ахлоқий нуқтаи назардан бир бирларига боғлиқдир. Айнан ушбу боғлиқлик авлодлараро муносабатларга замин яратади.

Ўрта оилага эр-хотин, уларнинг ота-оналари ва фарзандлари ёки эр-хотин, уларнинг ота-оналари ва бобо-момолари киради. Бундай оилаларда уч авлод муносабатларнинг субъектларига айланадилар. Бизнинг республикамиз, айниқса вилоят ва қишлоқ жойлари учун шундай ўрта оила кенг тарқалган, одатий ҳолдир. Бироқ туғилиш кам, демографик ўсиш кузатилмайдиган ҳудудлар ва давлатларда улар катта ёки йирик оилалар ҳисобланиши мумкин. Демак, оилаларни классификациялаштиришда ҳудуд ва халқнинг демографик ўзига хосликларидан келиб чиқиш лозим.

Тўрт авлоддан иборат йирик оилалар кам, улар ҳам асосан қишлоқ ва овул жойларида учрайди.

Оила демографияси борасидаги илмий изланишларни кузатиш кўрсатадики, ушбу масала дунёнинг турли давлатларида, қитъаларида турлича ҳал этилади. Масалан, АҚШ ва Европа давлатларида кенг тарқалган яқка оила аҳоли ўсишини, туғилишни кескин муаммога айлантirmoқда. Ғарб тадқиқотчиси П.Бьюкененнинг эътирофича 2050 йилларга бориб баъзи Европа давлатларида мигрантлар асосий аҳоли сони билан тенглашиб қолади, бу эса ўша жойлардаги халқлар, уларнинг этномаданиятига таъсир этмай қолмайди [4.]. Бундай башоратлар бежиз эмас. Аммо баъзи адабиётларда ушбу муаммодан дин омилини излашга интилувчилар ҳам учрайди. Масалан, Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф ёзади:

«2009 йили Россиядаги баъзи сиёсатчилар оила бўйича ўтказган илмий тадқиқотларнинг натижаларини эълон қилдилар. Мазкур натижалардан намуна келтирамиз.

Россияда оила бузилиши 54,3 % ни ташкил этади.

Таймир автоном вилоятида 94 %.

Чукотка автоном вилоятида 83 %.

Коряк автоном вилоятида 80 %.

Тадқиқот муаллифлари таққослаб кўриш учун мусулмонлари йўқ даражада бўлган юқоридаги уч минтақага муқобил равишда Россиянинг асосан мусулмонлар яшайдиган уч минтақасидаги оила бузилиши ҳақидаги ҳисоботни келтирадилар.

Чечинистонда - 4,3 %.

Ингушистонда - 10 %.

Доғистонда - 17 %.

Шу билан бирга, мусулмонлар яшайдиган ушбу уч минтақа узоқ умр кўриш ва кўп болалик бўйича ҳам пешқадам ҳисобланадилар» [5. - 7-8 б.]. Муаллиф қуйидагича хулоса чиқаради: «Демак, ҳозирги замон технологияси, моддий тараққиёти, динсизлик маданиятининг юксалиши оилани мустаҳкамлаш ўрнига унинг парчаланишига, йўқ бўлиб кетишига, бу борада турли муаммоларнинг келиб чиқишига олиб келар экан» [6. - 9 б.]. Ҳа, оилавий ажралишлар бор нарсa, лекин улар оиланинг «йўқ бўлишига» қаратилмаган. Ажралишган кишиларнинг қайта оила қураётгани негадир ҳисобга олинмайди, натижада, оила барбод бўлаяпти, деган дод-войлар беҳуда бўлиб чиқади. Бундан ташқари, негадир шайх оилавий демографиядаги ўзгаришлар ва ажралишларни ҳозирги замон технологияси, моддий тараққиёт ва динсизлик билан боғлайди. Нима биз мазкур цивилизация ютуқларидан бебаҳра яшашимиз керакми?

АҚШ ва кўпгина Европа давлатларида динга ўргатиш оиладан ва биринчи синфдан, мактабларда дарслар теологик билимлар, диний-маърифий машғулотлар билан бошланади. Ўзбекистонда ҳам ажралиш юқори даражада қолаётганини муаллиф нимагадир келтирмайди?...

Оила демографияси фақат оила иши эмас, у давлат ва ижтимоий тараққиёт, миллат юксалиши масаласидир. Инсоннинг ўз ҳаётидан мамнун бўлиб яшаши, ижтимоий борлиқни янада такомил кўришга интилиши, қилган меҳнатининг ва кетган умрининг ҳосиласи нималигини билиши учун унга ўз қонидан бўлган, ўзига руҳан, маънан яқин кишилар керак. Уларни оила етказди, шакллантиради. Ҳаёти маъносини, умри мазмунини фақат моддий бойликлар яратишга айрим кишиларгина қодир, халқнинг, миллатнинг қолган 99,999 % уларни фарзандларида, меросхўрларида кўради. Шундай экан оила демографияси, шубҳасиз, ушбу азалий қадрият нуқтаи назаридан ташкил этилиши, бошқарилиши керак.

Оиланинг микрожамият экани унинг жамият амал қиладиган ҳуқуқий меъёрларга, социал нормаларга ва талабларга риоя этганида намоён бўлади. Оила ҳуқуқлари орқали жамиятга боғланади, ўзининг ички ҳаёти ва ташқи алоқаларини мазкур қадриятлар орқали олиб боради. «Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси»нинг 16-моддаси оилавий муносабатларга киришиш, оила қуриш масалаларига бағишланган бўлиб, ундаги асосий қоидалар, талаблар миллий, ҳуқуқий тизимларга имплементация қилинган. Унда қуйидагилар таъкидланади:

«1. Балоғат ёшига етган эркаклар ва аёллар ирқи, миллати ёки диний белгилари бўйича ҳеч қандай чеклашларсиз никоҳдан ўтишга ва оила қуришга ҳақли. Улар никоҳдан ўтишда, никоҳда турган вақтларида ва уни бекор қилиш вақтида бир хил ҳуқуқдан фойдаланади.

2. Никоҳдан ўтаётган ҳар икки томоннинг эркин ва тўлиқ розилиги асосидагина никоҳ тузилиши мумкин.

3. Оила жамиятнинг табиий ва асосий ҳужайраси саналади ва жамият ҳамда давлат томонидан ҳимоя қилинишга ҳақли» [7. - С.13.].

Оила иқтисодиёти ёки оила хўжалик ҳаёти авлодлараро муносабатларнинг ўзагини ташкил этади. Оилани зарур маблағлар, ноз-неъматлар ва озиқ овқатлар билан таъминлаш, уй-жойга эга бўлиш, уни сақлаш учун сарф харажатлар ажратиш, болалар тарбияси ва камолоти учун зарур пулга эга бўлиш авлодлараро муносабатларга жиддий таъсир кўрсатади. Бозор иқтисодиёти реал воқеликка айланаётган ҳозирги пайтда оила субъектларининг диққати пул топишга қаратилган. Аслида пул ишлаб топиш қораланадиган нарса, ҳаракат эмас, чунки кишилараро муносабатларнинг асосий қисми пулга, олди бердига, хизмат турларига қурилган. Агар бу анъаналарни давлат қўллаб-қувватламаса, сунъий тарзда пулнинг таъсирини камайтиришга интилса, унинг қадрига етувчи деструктив кучлар, девиант хатти-ҳаракатлар пайдо бўлади. Масалан, олий ўқув юртларига кириш тартиблари ўтган ўн йилликларда қанча танқид қилинди, пора олиш ва пора бериш йўллари тўсиш учун нималар ўйлаб топишмади, бари бесамар кетаверди. Ҳозир давлатимиз олий ўқув юртларига киришни очик ва контракт асосига қурди, энди пора беришга ҳожат қолмади.

Иқтисодий муаммолар ўзидан ўзи ечилмай, улар оила аъзоларининг ишбилармонлиги, фаол ҳаракатлари ва бозор иқтисодиёти талабларига мувофиқ тадбиркорлик кўрсатиб ишлашига боғлиқдир. Давлатнинг функцияси мазкур фаоллик учун зарур бўлган кафолатларни бериш, ҳар бир оила ва кишининг қонуний талабларини қондириш орқали уларнинг фаровон яшашига кўмаклашишдан иборат. Ўзбекистонда қабул қилинган «Ҳар бир оила тадбиркор» концепцияси ва халқ хунармандчилигини, касаначиликни, оилавий бизнесни қўллаб-қувватлашга қаратилган махсус чора-тадбирлар оила фаровонлигини оширишни назарда тутди.

Оила иқтисодий пул жамғармаларига эга бўлиш ва урбанизация талабларига мувофиқ келадиган турмуш шароитларини яратиш қабиларда аниқроқ намоён бўлади. Оилаларнинг пул маблағларини банкларда сақлаши қўшимча даромад келтиради, улар аҳоли фаровонлигининг кўрсаткичи сифатида қаралади. Урбанизация эса турмушни замонавийлаштириш, маиший техника воситаларига эга бўлиш, транспорт хизматларидан фойдаланиш, коммуникация ўрнатиш имкониятларига эга бўлиш демакдир.

Кузатишлардан маълумки, оилалардаги низолар ва ажралишларнинг деярли учдан бири иқтисодий омилларга бориб тақалади. Ёшларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳаётда ўз ўрнини тополмаслиги, қўнглига ва эгаллаган касбига, билимига мувофиқ келадиган ишга эга эмаслиги, маошнинг оила эҳтиёжларига тўғри келавармаслиги каби омиллар оилавий муносабатларга салбий таъсир этмай қолмайди. Натижада бир-бирини тушунмаслик, эрни иш ёқмасликда айблаш, ёш жувоннинг безаниб юришга, дабдабали туғилган кунлар, тўйлар ўтказишга ўчлиги туфайли бир-биридан узоқлашиш юзага келади. Оилани эркак таъминлаши, боқиши керак, деган анъанавий тасаввур ҳам замонавий қарашларга мос келавармайди. Тўғри, ёш болали жувон ижтимоий-иқтисодий ҳаётда қатнаша олмайди, бу ҳолда эркак барча масъулиятни, оилани иқтисодий таъминлашни ўз устига олиши зарур. Бироқ бу талаб паллиатив (вақтинчалик) хусусиятга эга. Оиласини асрамоқчи ва унинг фаровонлигини таъминламоқчи бўлган барча оила аъзолари иқтисодий таъминотни, имкониятлари доирасида, ўз зиммасига олишлари мақсадга мувофиқдир.

«Оила мавқеи» деган тушунча субъектив баҳо натижасидир. Шахс, гуруҳ, корпорация, давлат мавқеи бўлганидек, бизнинг фикримизча, оила мавқеи ҳам мавжуд. Бунга аввало оиланинг маҳалла, қариндош-уруғлар, ҳамкасблар ва таниш-билишлар олдигаги обрўси киради. Обрў ўзбек оилалари учун шунчаки ибора эмас, обрўси бор хонадонга, уйга совчи келади ёки шундай хонадон, уй билан қуда-анда сифатида борди-келди қилишни исташади, яқин, дўстона алоқалар ўрнатишади. Оила обрўсини тадбиркорлик ва ишбилармонлик, моддий таъминланганлик, жамият томонидан қадрланадиган интеллектуал салоҳиятга эгалик, юксак маънавий-ахлоқий фазилатлар ҳам белгилайди. Тўғри фикрли ва тўғри сўзли оила билан дўстлашиш, қариндош бўлиш азалдан кишиларимизнинг тилаги бўлиб келган. Юсуф Хос Ҳожиб ёзади: «Киши учун керакли икки аъзо бор: бири тил, бошқаси юрак. Тил сўз учун, юрак, кўнгил эса шу сўздан лаззатланиш учун берилган. Шу туфайли, тўғри, рост сўзни сўзлаш учун тилни тебратмоқ, яъни ҳаракатлантирмоқ керак. Эгри, яроқсиз сўзларни ташқарига чиқаргандан кўра тилнинг ҳаракатсиз қолгани маъқул» [8. - 31 б.]. Оила аъзоларининг тўғри сўзлиги улар юраги ва тилагининг тозалигидан дарак беради. Бундай оилани жамият илғамаслиги ва эъзозламаслиги мумкин эмас.

Оила динамик хусусиятга эга институтдир. Ундаги муносабатларнинг динамик тарзда ривожланиб, трансформацияга учраб туриши табиий ҳолдир. Жамият динамик хусусиятга эга бўлганидек, у ўзининг динамик хусусиятлари билан оила институтига ҳам таъсир этади. Тўғри, жамиятдаги ўзгаришлар динамикаси билан оиладаги ўзгаришлар динамикаси айнан эмас. Масалан, оилада бир-бирини тушунмаслик натижасида юзага келган салбий муносабатни ёки муҳитни, агар оила аъзолари бир-бирларини севса, қадрласа, тез ўзгартириш, ижобий томонга буриш мумкин. Бундай пайтда оила аъзолари, эр-хотин бир-бирларини тез кечиришади, аввалги меҳр муҳаббатга асосланган муҳит дарҳол тез тикланади. Агар бундай низо жамиятдаги аҳоли қатламлари ўртасида юз берса, уларни муросага келтириш, тинч ва аҳил яшашни қайта таъминлашга йиллар, баъзан асрлар керак бўлади. Миллий гуруҳлар, қатламлар қалбидаги жароҳат, ўкинч тез битмайди, улар арзимас баҳонада қайта қўзғолиш хусусиятига эга [9].

Оила динамикасида оилага ва унинг аъзоларига, анъаналарига муносабатлар муҳим ўрин тутди. Мазкур муносабатларга қараб оила ҳаётида, анъаналарида қандай ўзгаришлар бўлиб бераётганини аниқласа бўлади. Шунинг билан тутиш жоизки, динамик тарзда ўзгаришларга учрамайдиган муносабатлар ҳам, оила ҳам йўқ. Масалан, янги фарзанднинг туғилиши оиладаги ташвишларни, муҳитни ўзгартириб юборади, барчаннинг диққат эътибори гўдакка қаратилади. Гўдак билан бирга аёл ҳам алоҳида эътиборни талаб қилади. Келин туширганда эса оилавий муҳит ва ундаги ўзаро муносабатларда кескин ўзгариш бўлиб беради, ҳамма ўзини келинга сиполи, одобли, меҳрли қилиб кўрсатишга интилади. Бу шунчаки расмийлик ёки ҳўжакурсинга эмас, балки халқимиз анъаналаридан жой олган тартиб бўлгани учун бажарилади. Чунки азалдан ҳам халқимиз қиз туширганида, келин олганида оиласига янги фарзанд, куч келиб қўшилганидан шод бўлиб, бу шодлигини эл-юртга маълум қилган. Оиланинг динамик ўзгаришларга мойиллигидан эмас, балки, бизнинг фикримизча, догматизмга, қолоқликка, консерватизмга ўчилигидан қўрқиб керак. Оила ижтимоий ҳаётдаги ўзгаришларга қанчалик фаол муносабатда бўлса, авлодлараро алоқаларга, улардаги динамизмга табиий ҳол деб қараса, у ўзининг микрожамият эканини шунчалик ишончли исбот этади. Аммо бу динамизм оиланинг асрлар синовидан ўтган парадигмаларига, барқарор қадриятларига мувофиқ келиши шарт, акс ҳолда оила бесубут, бемаслак, ҳар томонга ён босиб кетаверадиган шахс қиёфасини олади. Бу ўринда оиланинг халқ ижтимоий борлигидан жой олган умуминсоний қадриятларга таяниши муҳим аҳамият касб этади. Шундай қадриятлардан бири барқарор авлодлараро муносабатлардир.

Авлодлараро муносабатлар оила институтини барқарорлаштириб турган, уни умуминсоний ва миллий қадриятлар билан бойитиб келган. Оила институтининг мавжудлиги авлодлараро муносабатларни шарт қилиб қўяди ва айнан шундай муносабатлар туфайли оилавий қадриятлар яшаб келади. Биз улар ҳақида иккинчи бобда кенгроқ тўхталамиз. Бу ўринда шунинг айтиб ўтишимиз лозимки, авлодлараро муносабатлар жамиятдаги ижтимоий муносабатлардан фарқ қилади. Оиладаги муносабатларга давлат, сиёсий институтлар бевосита аралаша олмайди, улар ўзининг ички хусусиятларида ва ҳаётида бошқа институтларнинг аралашувини ёқтиравермайди. Оиланинг ўзига хос «қўрғон» эканлиги ўзининг суверенлигини асраб қолишга интилишида акс этади.

Шунинг учун ҳам, бизнинг фикримизча, оила институтининг ижтимоий хусусиятлари ва умумий функциялари ижобий консерватив бўлиши керак. Айнан шундай консервативлик оила институтини, унинг ижтимоий хусусиятлари ва функцияларини барқарор, нисбатан мустақил қилади. Эса тутиш керакки, мутлақ консерватив оила йўқ, аммо мутлақ консерватор бўлишга интилувчи шахслар бор. Оила микрожамият сифатида, аста-секин бўлса-да, модернизацияга ён босади, ўзининг ижтимоий хусусиятлари ва умумий функцияларини замон талабларига мослаштиради, уйғунлаштиради. Демак, ҳар бир оилада ижобий консерватизм куртаклари мавжуд. Консервативлик этноанъаналар ва этнотажрибалар орқали оила институтининг онтологик моҳиятига сингган. Айнан ушбу ижтимоий хусусиятлари ва умумий функциялари туфайли оила ўзининг этногенетик асосларини, нисбатан мустақиллигини, миллийлигини сақлайди.

Хулоса қилиб айтганда, оила институтининг ижтимоий хусусиятлари ва умумий функциялари жамиятдаги этноанъаналар, давлатнинг ижтимоий-демографик сиёсати, эркак ва аёлнинг репродуктив саломатлиги, фаоллиги ҳамда маънавий-ахлоқий қадриятлар билан белгиланади. Жамиятда қарор топган этноқадриятлар, детерминантлар сифатида, оиладаги вазибаларга йўналиш беради. Шу билан бирга, оила институти этногамияга хос анъаналари ва этнотажрибалари билан ўзининг нисбатан мустақиллигини, барқарорлигини сақлашга интилади, шу сабабли

жамиятдаги барча тартиблар ва янгиликлар оилада ўз аксини топавермайди. Шу нуқтаи назардан оила этногамик анъаналар ва этнотажрибаларга таянадиган, уларни асрашни ўз вазифаси деб биладиган консерватив институтдир. Аммо консервативлик мутлақ, мўътадил ва ижобий кўринишларга эга. Мутлақ консерватив оилада диний догматикага, мутаассибликка мойиллик кучли, мўътадил консерватив оилада флуктацион (чайқалиб, иккиланиб ўзгариш) устувордир. Ижобий консерватизм устувор оилада эса, этноанъаларни асраган ҳолда, модернизацияга ён босиш етакчи ўринда туради. Консерватизмнинг оилани барқарор институт қилиб келаётганини унутиб бўлмайди. Консерватив хусусиятлари туфайли оила ўзининг миллийлигини, этнологик белгиларини ва репродуктив хусусиятларини йўқотмай келади.

Оила институтининг умумий функциялари аёл, эркак, бобо-момо ва фарзандларнинг ўзига хос функциялари борлигини инкор қилмайди. Улар бир бирини такролаши шарт эмас, гоҳи улар оиланинг умумий функцияларидан йўналиш олса-да, ўзига хослигини йўқотмайди. Масалан, нафақат табиий репродуктивликда, шунингдек, оилани иқтисодий-моддий таъминлашда, уй хўжалигини юритишда, ҳатто бола тарбиясида ҳам аёл ва эркак бошқа-бошқа вазифаларга ихтисослашган. Мазкур ўзига хослик уларнинг оиладаги роли, мавқеи ва функцияларига таъсир этади, уларнинг ихтисослашишини талаб этади. Шунинг учун ҳам оила аъзоларининг ўзига хос функциялари борлигини, бу функцияларни бажаришда уларнинг ҳар бири ўзига хос тарзда ёндашиши этноанъаналардан ва биофизиологик хусусиятлардан барқарор жой олганини билмаслик оилавий муносабатларда зиддиятларни келтириб чиқаради.

Адабиётлар рўйхати:

1. Қаранг: Алимасов В., Мамадалиев Ш. Илмий тадқиқот: методология, методика, ижодиёт. 1 қисм. - Тошкент: ИИВ Академияси, 2016. - 4-5 б.
2. Ўша асар. Иккинчи қисм. - 48 б.
3. Билиш фалсафаси (гносеология). - Тошкент: Университет, 2005. - 104-105 б.
4. Қаранг: Бьюкенен П. Смерть Запада. - Москва: Аст, 2002.
5. Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф. Бахтиёр оила. - Тошкент: Шарқ, 2012. - 7-8 б.
6. Ўша асар. - 9 б.
7. Права человека. Международный билль о правах человека. - Тошкент: Адолат, 1992. - С.13.
8. Юсуф Хос Ҳожиб. Қудатғу билиг. - Тошкент: Шарқ, 1990. - 31 б.
9. Қаранг: Психология национальной нетерпимости. Хрестоматия. - Минск: Харвест, 1998